ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ

Юлдашев Нурбек Нормуродович

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти, к.и.х., (PhD)

E-mail: yuldashev-nurbek@list.ru

Аннотация: Мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда айрим тоифадаги ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган. Бунда инсон капитали сифатини ошириш мақсади кўзланган ислоҳотлар, хусусан сўнгги йилларда олий таълим имтиёзлари таркибининг динамикаси ҳамда «Ёшлар дафтари» орқали берилган ёрдамлар статистик кўрсаткичлар асосида очиб берилган. Шунингдек, имтиёзларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини янада ошириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим, имтиёзлар, инсон капитали, қўшимча квота, тўлов-контракт, “Ёшлар дафтари”, ижтимоий ҳимоя, статистик таҳлил.

Ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиётида инсон капиталининг сифати ва ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаш имкониятлари муҳим роль ўйнайди. Жаҳон илмий ҳамжамиятида, хусусан, Нобель мукофоти лауреати Г.Беккер ва Т.Шульцнинг “Инсон капитали назарияси”га кўра, таълимга ажратилаётган инвестициялар ва айрим тоифадаги инсонларга берилаётган имтиёзлар жамиятда иқтисодий ўсиш ва даромадлар тенглигини таъминловчи энг самарали омил ҳисобланади. Шунингдек, А.Сеннинг “Имкониятлар ёндашуви” (Capability Approach) концепциясига асосан, давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар учун таълим олишида тенг шароитлар яратиб бериши орқали инсонларнинг реал

салоҳиятини рўёбга чиқаради. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда инсон капиталини ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, олий таълим қамровини кескин оширишга қаратилган институционал ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатда аҳолининг олий таълимдан фойдаланиш имкониятлари динамикаси ва таркиби, шунингдек сўнгги йиллардаги ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатдан ўзгаришларнинг статистик ва эконометрик жиҳатдан чуқур баҳолаш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур ишда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида тақдим этилаётган имтиёзлар таркиби динамикаси ҳамда “Ёшлар дафтари” орқали ажратилаётган таълим имтиёзларидан фойдаланиш таҳлил қилинади.

Тадқиқот учун Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг ҳисоботлари ва бошқа очиқ манбалардан фойдаланилди.

Аҳолининг олий таълим билан қамровини ошириш, айрим тоифага мансуб ёшларни ушбу тизимга жалб этиш учун бугунги кунда салкам 60 га яқин имтиёзлар турлари давлат томонидан ажратилмоқда. Улар умумий 7 та йўналишга бўлиниб, ҳар бирида ўқишга қабул қилинувчиларни турли соҳа, ижтимоий келиб чиқиши ва ёш-жинс хусусиятига кўра ажратилган квоталар ҳамда қўшимча ўринлар қамраб олинган. Йўналишлар қуйидагилардир.

1. Имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўлувчи имтиёзлар;

2. Имтиҳонсиз базавий тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўлувчи имтиёзлар;

3. Тегишли фан бўйича имтиҳондан озод этилиб, маълум миқдорда балл бериш учун асос бўлувчи имтиёзлар;

4. Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қўшимча балл бериш учун асос бўлувчи имтиёзлар;

5. Қўшимча қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этиш учун асос бўлувчи имтиёзлар;

6. Олий таълим ташкилотлари томонидан ўтказиладиган фан олимпиадалари ғолибларига имтиёзлар;

7. Бошқа турдаги имтиёзлар.

Ушбу йўналишлардаги имтиёзларни тўғридан тўғри давлат бюджетига таъсир этувчи (1- ва қисман 4-, 5-йўналишлардаги имтиёзлар) ҳамда бюджетга таъсир этмайдиган ва билвосита таъсир этувчи (қолган йўналишлар) турларга ҳам ажратиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, 2022/2023-ўқув йилида ушбу имтиёзлар доирасида жами 36,7 минг нафар талаба ОТМларга қабул қилинган бўлса, 2025/2026-ўқув йилига келиб уларнинг сони салкам 166,0 минг нафаргача, ёки охирги 4 йилда 4,5 бараварга оширилди. ОТМларга жами қабул қилинган талабалар сонига нисбатан ҳисоблаганда, 2022/2023-ўқув йилида имтиёзли қабул қилинганлар салкам 20,0%ни ташкил этган бўлса, ўтган йили имтиёздан фойдаланганлар деярли 75,0%га етди. Бу олий таълим олувчи ёшлар қамровини ошириши, меҳнат бозорида кадрлар етишмовчилиги муаммосининг вужудга келмаслигига олиб келса-да, бошқа томондан ёшларнинг касб-малака ва мутахассислик рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

2025/2026-ўқув йилида ОТМларга қабул бўйича имтиёзларнинг 80,0%и ёки 132,0 мингдан ортиғи 3-гуруҳдаги имтиёзларга мансуб бўлиб (1-жадвал), унда абитуриентлар асосан умумтаълим фанларидан республика олимпиадалари ғолиблигини, чет тилларидан махсус ва умумтаълим фанларидан миллий сертификатни қўлга киритиш орқали тегишли фанлардан имтиҳондан озод этилиб, маълум миқдорда балл бериш учун асос бўлувчи имтиёзлардан фойдаланган.

Ушбу йўналишнинг энг катта улушга эгалиги сўнгги йилларда ОТМга кириш учун сертификатларни қўлга киритиб, тегишли фанлардан имтиҳон топширишдан озод бўлаётган абитуриентлар сони кўпайгани сабабидир. Ўтган ўқув йилидаги жами ўринларнинг 44,3 мингтаси (ёки салкам 27,0%) чет тилидан, 86,7 мингтаси (52,0%) миллий фан сертификатларини олганларга берилган. Ваҳоланки, ушбу икки йўналишдаги имтиёзларнинг улуши 4 йил аввал 37,4%ни ташкил этган.

Қўшимча қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этиш учун асос бўлувчи имтиёзлар (5-йўналиш) ҳам сўнгги 4 йилда 2 бараварга ортган, яъни 14,9 минг нафардан 27,1 минг нафаргача. Бироқ ушбу йўналишдаги имтиёзларнинг жами имтиёзлардаги улуши сезиларли, яъни таҳлил этилаётган даврда 40,6 %дан 16,4 %гача пасайган.

Ушбу йўналишда айрим ҳудудлар ва соҳаларни тубдан ривожлантириш, хусусан кадрлар етишмовчилигига барҳам бериш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга асосланган имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятининг олис ва чекка ҳудудларида яшовчи ёшлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар, ўрмончилик соҳаларида ишловчилар ва уларнинг фарзандлари, бундан ташқари, ногиронлиги бўлган, етим ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, хусусан хотин-қизлар ушбу имтиёзлардан фойдаланган. Бундан ташқари, 2025 йилдан бошлаб “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида камбағаллар реестрига киритилган оилаларнинг 2,1 мингдан ортиқ фарзандлари маълум шартлар эвазига олий таълим олиш имтиёзига эга бўлган.

1-жадвал

Олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабаларнинг имтиёзлар кесимидаги маълумотлари (талабалар сони ва улуши бўйича)

№	Имтиёзлар турлари	2022/2023 ўқ.й		2025/2026 ўқ.й	
		Имтиёзлар сони, бирлик	Улуши, %	Имтиёзлар сони, бирлик	Улуши, %
1.	Имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этишга асос бўладиган	122	0,3	321	0,2
2.	Имтиҳонсиз базавий тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўладиган	51	0,1	66	0,0
3.	Тегишли фан бўйича имтиҳондан озод этилиб, маълум балл беришга асос бўладиган	13 731	37,4	132 816	80,1
4.	Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қўшимча балл бериш учун асос бўладиган	261	0,7	904	0,5
5.	Қўшимча қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этиш учун асос бўладиган	14 904	40,6	27 111	16,4
6.	ОТМлар томонидан ўтказиладиган фан олимпиадалари ғолиблари	147	0,4	288	0,2

№	Имтиёзлар турлари	2022/2023 ўқ.й		2025/2026 ўқ.й	
		Имтиёзлар сони, бирлик	Улуши, %	Имтиёзлар сони, бирлик	Улуши, %
7.	Бошқа турдаги имтиёзлар	7 517	20,5	4 214	2,5
	Жами	36 733	100,0	165 720	100,0

Таълим ва илм-фан вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Имтиёзларнинг биринчи йўналиши (имтиҳонсиз давлат гранти асосида) талабалар қабули сўнгги 4 йилда 2,6 бараварга ортган. Бунда асосий ўзгаришлар 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарорга мувофиқ, Президент мактабларини битирган ёшларнинг давлат олийгоҳларига имтиҳонсиз қабул қилиниши ҳамда мудофаа, ички ишлар ва божхона каби соҳаларда хизмат вазифасининг ўтаётган пайтда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар берилиши натижасида бўлган.

2-йўналиш, яъни имтиҳонсиз базавий тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўлувчи имтиёзлар сони ва улуши ҳамда таҳлил этилаётган даврда сезиларли ўзгармаган. Сўнгги 4 йилда уларнинг сони 51 нафардан 66 нафаргача ошган. Бу йўналишдан асосан олий таълимгача бўлган босқичларда маълум ютуқларга эришган ёшлар, хусусан, интеллектуал ўйинларнинг республика босқичлари ғолиблари, маълум йўналишлардаги ихтисослаштирилган ва ижод мактабларининг битирувчилари фойдаланган.

4-йўналиш, яъни кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қўшимча балл бериш учун асос бўлувчи имтиёзлардан фойдаланганлар сони таҳлил этилаётган 4 йилда 261 нафардан 904 нафаргача ортган. Ушбу йўналишдаги имтиёзлар тўлиқ ҳарбийлаштирилган тузилмалар қошидаги лицейлар ҳамда “Темурбеклар” мактаби битирувчиларига тақдим этилган бўлиб, имтиёзлар абитуриентларнинг имтиҳонда тўплаган балларига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

6-йўналишдаги имтиёзлар ОТМлар томонидан ўтказилган фан олимпиадалари ғолиблари бўлган ёшларга берилади. Бунда математика, кимё, физика каби аниқ фанлардан умумтаълим мактабларининг битирувчи синфларида ўқийдиган ўқувчилар олимпиаданинг 1-3 ўринларини эгаллайдиган бўлса тегишли ОТМга тўлов-контракт асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади. Сўнгги 4 йилда ушбу йўналишдаги имтиёзлардан фойдаланувчилар сони 147 нафардан 288 нафаргача ошган.

Шу билан бирга, бошқа турдаги имтиёзларга маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, участка инспектори каби ходимларни қўллаб-қувватловчи, шунингдек техникумларни муваффақиятли битирганларни олий таълимга қамраб олишга қаратилган имтиёзлар ҳам мавжуд бўлиб, бу даврда уларнинг сони 7,5 минг нафардан 4,2 минг нафаргача камайган.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ҳудудларда “камбағаллар реестри”да рўйхатга олинган оилалар фарзандларини таълимнинг турли кўринишлари орқали қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилган. Улар олий ёки ўрта махсус таълим учун тўлов-контрактнинг 50%и ёки базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 50 бараваригача тўлаб бериш билан бирга, таълим, илм-фан, спорт, мусиқа каби йўналишларда, белгиланган муддатларга ҳамда маълум миқдорларда ажратиладиган ёрдамларни қамраб олган 10 га яқин имтиёзлардан иборат.

Камбағал оилалар фарзандларининг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган 3 йилда жами 91,0 мингдан ортиқ талабанинг тўлов-контрактини 50,0%игача бўлган қисми қоплаб берилган. Бунда, 2023 йил мобайнида 18,1 мингдан ортиқ, 2024 йилда 50,0 мингдан ортиқ ва 2025 йилда салкам 23,3 минг талабага контракт тўловининг бир қисми тўланган.

Йиллар кесимидаги таҳлилларда 2024 йилга нисбатан 2025 йилда бундай имтиёз олганлар сонини икки баравардан ортиққа камайиши бевосита камбағаллар

реестрига киритилган сони, жумладан камбағаллик даражаси кескин камайгани билан изоҳланади.

Юқоридаги барча имтиёзлардан ташқари, 2025 йилдан бошлаб ёшларнинг олий таълимдан олдинги босқичда касб-ҳунар ва замонавий ҳунарларни эгаллашига кўмаклашиш мақсадида ўрта мактабларда бепул ва имтиёзли тўгараклар, махсус стипендиялар ва оромгоҳларда бепул дам олдириш каби инструментлар ҳам амалда қўлланилмоқда.

Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдириш мумкин.

1. Давлат томонидан тақдим этилаётган имтиёзларни самарадорлик ва натижадорлик нуқтаи назарида инвентаризациядан ўтказиш ҳамда янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда имтиёзларнинг самарадорлигини чуқур илмий таҳлил қилиш ҳамда давлат бюджетига босимни инобатга олиш ва имтиёзлардан фойдаланган битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

2. Олий таълимга кириш имтиёзларининг янги турлари ва миқдорларини белгилаётганда, булғуси талабаларнинг юқори баҳоларга ўқишига боғлайдиган ҳамда қисман уларнинг мажбуриятларини оширадиган шартлар қўйилиши, яъни имтиёздан фойдаланадиган талабалар сифатли кадр бўлиб етишишига замин яратилиши зарур.

Мисол учун, Президентнинг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорлари билан кучга киритилган тартибларга кўра, “камбағаллар реестри”га киритилган оилаларнинг фарзандлари давлат грантига қабул қилиш учун зарур бўлган баллнинг 90 фоизини тўплаганида тегишли йўналиш бўйича ажратилган давлат гранти квотасининг 10 фоизгача ажратиш кўзда тутилган. Яъни бу ерда талаба етарли ва юқори балл тўплаши шарт қилиб қўйилган. Шу шартни бажарган абитуриентгина имтиёздан

фойдалана олади. Ёки бўлажак талабалар имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинганидан сўнг юқори баҳоларга ўқимаса маълум чораларни йўлга қўйиш зарур.

Умуман олганда, имтиёз ажратилган талабаларга бундай имтиёзларнинг айримларини камбағал оилалар билан тузилган ижтимоий шартнома шартларига ўхшаш келишувлар орқали тақдим этилиши уларнинг самарадорлиги ва манзиллилигини янада оширади.

3. Олий таълимга қабул бўйича имтиёзлар шундай жорий этилиши зарурки, ўз билими билан ўқишга кираётган абитуриентлар, хусусан максимал балл (189 балл) олаётган бўлғуси талабалар билан тенг келган ҳолатларда муаммо юзага келмаслиги зарур. Мисол учун, 2023/2024 ўқув йилида асосан ҳарбий соҳадаги абитуриентлар учун ажратилган имтиёзлар натижасида максимал балл олган талабалар, асосан қизлар орасида норозилик юзага келганди.

Кейинчалик олий таълимга қабул барча учун тенг ҳуқуқлилик тамойили таъминланиб, энг юқори балл олганлар давлат гранти асосида ўқишга кириши учун шароитлар яратилди. Бироқ ушбу йўналиш ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштирилиши зарур.

4. Олий таълимга қабул бўйича мавжуд имтиёзларнинг айримларини абитуриентларнинг ўрта мактабларда олган баҳоларидан келиб чиқиб қўллаш амалиётини йўлга қўйиш зарур. Бу бир томондан мактабларда таълим сифатини янада ошириши билан бирга, аъло баҳоларга ўқиган ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали ўқувчиларда билим сифатини оширишга мотивация бўлиши кўзда тутилади.

5. Маълумки бугунги кунда камбағаллар реестрига киритилган оилалар фарзандлари, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган ёшлар умумтаълим фанлари ва чет тилларидан миллий сертификатларни олиш учун топшириладиган имтиҳон

тўловларини (1 фан учун 594 000 сўм) 50,0%, давлат таъминотидаги оила аъзоси 75,0% чегирмада тўлашади.

Бироқ, “Ёшлар дафтарига” киритилган, боқувчисини йўқотган ва даромади паст ҳамда камбағалликка тушиш хавфи остидаги ёшларни ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу имтиёздан фойдаланувчи ёшлар тоифаларини ўзгартириш зарур. Бунда юқоридаги тоифаларга мансуб ёшлар билан маълум шартлар асосида ва “маҳалла еттилиги” хулосасига кўра имтиёзлар ажратиш тартиби йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Becker, G. S., Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education (3rd ed.). Chicago: University of Chicago Press. 1993. http://dx.doi.org/10.7208/chicago/9780226041223.001.0001
2. Sen, A., Development as freedom. Oxford University Press. 1999. https://books.google.com.ec/books?id=Ad9qQhSRed4C
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-330-сон қарори. https://lex.uz/docs/7109778
4. https://lex.uz/docs/5520855
5. https://lex.uz/docs/7726569
6. Миллий статистика қўмитаси расмий сайти. https://stat.uz/uz/
7. Ёшлар ишлар агентлигининг https://yoshlardaftari.uz/ платформаси маълумотлари.